

Намозда хушуъ



15:30 / 18.10.2021 3212

Тийбий раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Намоздаги хушуъ дегани — қалбнинг қўрқувда туриши, кўзни сажда ўрнига қаратиш, ҳимматни Унга жамлаш, Ундан ўзга барча нарсадан ибодат вақтида узилиш, четланиш демакдир. Намознинг одобларига риоя этган ҳолда кийимларини тўғрилаш, танаси ва кийимларига овора бўлиб қолиш ўгирилиш, керишиш, эснаш, киприк қоқиш ва бошқа ишларни намозни ичида қилишдан ўзини тутиш ҳам унинг хушуъси ҳисобланади.

Изоҳ: «Хушуъ» сўзи арабча бўлиб, «хокисорлик», «бош эгиш», «қўрқиш» маъноларини билдиради. Хушуъ – қалб ҳолати, у нафақат намозда, балки динимиздаги барча ибодатларда хуш кўрилгандир. Намоздаги хушуъ – Аллоҳ таолога риёдан ҳоли бўлиб, ихлос билан ибодат қилиш, унинг ҳузурида ҳокисор бўлиб туриш ва аъзоларнинг итоаткор, сокин бўлиб

туришидир.

Манба: *arabic.uz*